



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2011-yil, 15-noyabr. Seshanba • 136 (31.412)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

## Шарафли ва масъулиятли касб эгалари

■ Президентимиз Ислom Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, мамлакатимизда ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорларнинг касб байрами сифатида нишонланади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт ходимларининг касб байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда соҳа ходимлари, олимлар, халқаро ташкилотлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги А.Икромов ва бошқалар Президентимиз Ислom Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарасида тиббиёт миссонларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш ишлари юксак савияга кўтарилганини алоҳида таъкидлади. Бу борада жойларда фаолият юритаётган кишлоқ врачлик пунктидаги «Энг яхши амалиёт шифокори» номинациялари бўйича ўтказилган танлов ғолиблари эълон қилинди.

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Наврўз» кишлоқ врачлик пункти йилнинг «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти» деб топилди ва «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди.

Фарғона шаҳридаги 7-оилавий поликлиника «Энг намунали оилавий поликлиника», Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Бирлашган» кишлоқ врачлик пункти муdiri Зулфия Мамажонова «Энг яхши умумий амалиёт шифокори», Хоразм вилояти Богот тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиника патронаж ҳамшираси Шаҳноза Жумабоева «Энг яхши патронаж ҳамшираси» номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
ЎЗА мухбири.

чи ўн мамлакат қаторига кириштирилди.

Тадбирда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ва муассасалари ўртасида «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти», «Энг намунали оилавий поликлиника», «Энг яхши патронаж ҳамшираси», «Энг яхши умумий амалиёт шифокори» номинациялари бўйича ўтказилган танлов ғолиблари эълон қилинди.

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Наврўз» кишлоқ врачлик пункти йилнинг «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти» деб топилди ва «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди.

Фарғона шаҳридаги 7-оилавий поликлиника «Энг намунали оилавий поликлиника», Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Бирлашган» кишлоқ врачлик пункти муdiri Зулфия Мамажонова «Энг яхши умумий амалиёт шифокори», Хоразм вилояти Богот тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиника патронаж ҳамшираси Шаҳноза Жумабоева «Энг яхши патронаж ҳамшираси» номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
ЎЗА мухбири.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



**Эътироф**

Ўзбекистондаги барқарорлик, ривожланган инфратузилма ҳамда тадбиркорлик фаолияти ва хорижий сармоя ҳимоя этилишига кўмаклашадиган муносиб қонунчилик базасининг мавжудлиги турли соҳаларда ҳамкорлик кўламининг оширишига хизмат қилмоқда. Бунга сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигида барпо этилган қўшма корхоналарнинг муваффақиятли фаолияти ёрқин мисол бўла олади.

**Ф. ВАЙЗИГ,**  
(Германия Иқтисодий ва технологиялар федерал вазирлигининг бўлим бошлиғи).

**Бандлик**

**Янги корхона — янги иш ўринлари**

■ Бувайда туманида «Losgigantes textile» қўшма корхонаси иш бошлади. Бу ерда пахта толаси қайта ишланиб, сифати халқаро талабларга тўла жавоб берадиган калава иппар, турли хил сочиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Корхонамиз замонавий технологиялар билан жиҳозланган, — дейди корхона раҳбари Адхамжон Ҳасанов. — Айни кунларда қунига 7 тоннагача пахта хомашёсини қайта ишламоқдамиз. Дастлабки маҳсулотларимиз Россия ва Туркияга экспорт қилинди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришга, инвестицияларни янада кенгроқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида 48 истиқболли лойиҳа амалга оширилиб, 41,3 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция ўзлаштирилди. Натижада 11 корхона ишга туширилди. Бу каби янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилаётгани, мавжудларнинг модернизация қилинаётгани ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифатини ошириши, аҳоли фаровонлигини янада кенг қамраб олишга ва бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Losgigantes textile» қўшма корхонасининг ишга туширилиши юзга яқин йигит-қизни иш билан таъминлаш имконини берди.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**  
ЎЗА мухбири.

**КОНЦЕПЦИЯ:**

**Демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш сиёсий партияларнинг ташкилотчиликлари, ташаббускорлиги, депутатларнинг масъулияти, дадиллиги ва қатъиятига боғлиқ**

■ Президент Ислom Каримов Олий Мажлис палаталарининг ўтган йил 12 ноябрдаги қўшма йиғилишида тақдим этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

Ўтган вақт мобайнида бу муҳим ҳужжат партия Марказий Кенгашидан тартиб бошланғич ташкилотларга бўлган ҳамма бўғинлар, партия фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, барча даражадаги депутатлар томонидан ўқиб-ўрганилди, электротарғида тарғиб этилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Концепцияни амалга ошириш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини ишлаб чиқди.

Хўш, ўтган вақт давомида Концепцияда илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси, партия кенгашилари қандай ишларни амалга оширди?

Қуйида депутатларимиз ва партия ташкилотлари етакчиларидан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

**(Давоми 2-бетда.)**



### Юрт осойишталиги йўлида

## Оқ йўл сизга, сержантлар!

■ Юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашда ички ишлар ходимларининг билим ва малакасини ошириш, соҳа учун замонавий профессионал кадрлар тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислom Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси ҳам юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталигини таъминлашга қодир соҳа ходимларини тайёрлашда муҳим ўрин тутаяди. Мазкур курсни битирган юзлаб сержантлар бугунги кунда ички ишлар идораларида жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги, йўл-патруль, патруль-пост хизмати, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш ва бошқа хизматларда самарали фаолият кўрсатаётир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Сержантлар тарки-

вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов ва бошқалар Президентимиз Ислom Каримов раҳнамолигида юртимизда ички ишлар тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Бўлажак ички ишлар ходимларининг маънавий

етук, жисмоний бақувват ҳамда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, — дейди битирувчи Бобур Холов. — Бу ушбу шарафли касбни танлаган биз каби ёшларнинг зиммасига янада улкан масъулият юклайди. Мен бунни доимо қалбдан ҳис этиб, элу юртимизга садоқат билан хизмат қиламан.

Шу кун мазкур академия ҳудудида қуриб, фойдаланишга топширилган криминалистика марказининг очилиши ҳам бўлиб ўтди. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва соҳа учун зарур жиҳозлар билан таъминланган ушбу марказда бўлажак ички ишлар идоралари ходимлари амалий машғулотларни ўтказиши учун барча шарт-шароит яратилган.

**Н.АБДУРАИМОВА,**  
ЎЗА мухбири.

### «Ўзбекистон кубоги — 2011»



## «Пахтакор» — Ўзбекистон кубоги соҳибидир

13 ноябрь кун пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида Қаршининг «Насаф» ва Тошкентнинг «Пахтакор» клублари ўртасида Ўзбекистон Кубоги — 2011 финал учрашуви бўлиб ўтди.

■ Ўзбекистон Кубоги учун баҳслар 1992 йилдан бери ўтказилади. Дастлабки финал учрашуви Наманганнинг «Навбахор» ва Қўқоннинг «Темирийўлчи» жамоалари ўртасида бўлган. Ўшанда наманганликлар пенальтилар бўйича ғолиб чиқиб, Кубокни қўлга киритишган.

**⇒ 4**





